



ФУТБОЛ ҲАҚАМЛИКЛАРИНИ ЎЙИН ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРА ОЛМАСЛИК ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ

Шаджалилов Ш.И.
УФА1-тоифали ҳакам

Таянч сўзлар: ҳакамларни ўйинни бошқаришлари, функционал, психологик, техник-тактик маҳорат, сўз нутқи, юз тузилишининг кўринишлари.

Ключевые слова: управление игрой судей, функциональными, психологическими, технико-тактическими навыками, речью, внешним видом строения лица.

Key words: game management of referees, functional, psychological, technical-tactical skills, speech, appearance of facial structure.

Кириш. Бугунги кунга келиб, шахсининг ҳакам сифатида профессионал жиҳатдан шаклланиши, унинг профессионал яроқлилигининг педагогик-психологик асослари жуда сайёз ишлаб чиқилган. Жиддий ва муҳим масалалар юзасидан тадқиқотлар олиб борилмаяпти ва улар бўйича амалий натижаларни бериш даражасигача кўтарилмаяпти, уларнинг амалиётда тадбиқ қилиниши жуда суст кечаяпти. Бунинг асосий сабаблари шундаки, аксарият ҳолларда тадқиқотлар расмий, ҳакамлик фаолиятининг ўзига хослиги ва спортнинг доимий равишда ривожланишини ҳисобга олмаган ҳолда бажарилмоқда.

Ишнинг мақсади: Футбол мусобақаларида ҳакамларни юқори даражада ўйинни бошқаришлари ва уларни ўзига хос хусусиятиларини ўрганиш.

Вазифалари:

- 1) Турли малакали ҳакамларни ўйинларни бошқаришда ўзига хос хусусиятлари аниқлаш.
- 2) Турли малакали ҳакамларни тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари
- 3) Турли малакали ҳакамларни ўйин жараёнига тайёрлаш ва ўйин жараёнини таҳлили.



Баъзи футболчилар, мусобақаларнинг ўтмишдаги қоидалари билан та-ниш бўла туриб, қоидалардаги сўнгги ўзгаришларни ҳисобга олмасдан хатоликларга йўл қўядилар. Қоидалар деганда, энг сўнгги қабул қилинган қоидалар ва тегишли изоҳларни билиш назарда тутилади. Мусобақа қоидаларини фақат ҳакамлар эмас, балки ўйинчи ва мураббийлар ҳам яхши ўрганган бўлишлари зарур. А.В.Дукальская, А.В. Зеновия (2000) спортнинг исталган турида ҳакамлик қилишни санъат деб ҳисоблашади.

Мусобақаларни юқори даражада ўтказиш - ҳар бир ҳакамнинг вазифа-си. Ҳакамнинг вазифаси жуда шарафли ва шу билан бирга жуда масъули-ятлидир.

Ҳар бир ҳакам, биринчи навбатда, тарбиячи бўлиши керак. У ўйинчи-ларда жамоадошларига, рақибларига, мусобақа ташкилотчилари ва ҳа-камларга нисбатан хурмат ҳиссини шаклланишига ёрдам бериши лозим.

Аммо, ҳакамларнинг обрўси буйруқ воситасида орттирилмайди.

Бундай обрў-эътибор, биринчи навбатда, ҳакамнинг аъло даражада бажарган иши туфайли қозонилади. Футболни жуда яхши тушунадиган, лекин ноҳолис, ташқи кўриниши озода ва саришта бўлмаган ҳакамни та-саввур қилинг - бундай ҳакамнинг обрў қозонишига ишониш қийин.

Обрў ва эътиборга лойиқ ҳакам доимо ҳакамлик сифатини оширишга интилиши, футбол ривожланишига кўмаклашиши ва ўйинчилар махора-тини оширишига ёрдам бериши лозим. Агар, юқори тоифа ҳакамлигига эришган ҳакам ўз устида ишламай кўйса, ҳакамлик амалиётини бажариб турмаса мисқоллаб эришган мавқесини йўқотиб қўйиши мумкин. Доимий машғулот ва амалиётларсиз тажрибали ҳакам ҳам мусобақаларни жуда си-фатсиз ўтказиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Футбол бўйича ҳакамликни исталган одам амалга ошириши мумкин, лекин ҳакам футбол ўйини узоқ давом этиши ва тактик вазиятларнинг турлича бўлиши туфайли диққат-эътибор юқори даражада доимий бўли-ши, уни спорт беллашуви мобайнида самарали равишда жамлаш, турли чалғитувчи омилларга эътибор қилмаслик қобилиятига эга бўлиши шарт.

Ҳакам мусобақа узоқ ва кескин давом этишига тайёр бўлиши лозим. Агар, яхши тайёргарликка эга булмаган спортчини ўйин вақтида ал-маштириш мумкин бўлса, ҳакамни алмаштириб булмайди. Бунинг устига, аксарият ҳолларда ўйиннинг яқунловчи палласида ҳакамга бўлган талаб кучаяди, сабаби партия сўнггида икки очколи устунлик у ёки бу жамоа-га ғалаба келтириши мумкин. Демак, ҳакамлар ҳам жисмоний жиҳатдан жуда яхши тайёрланган бўлишлари керак.



Малакали ҳакам мусобақа давомида ўйинни бошқаради, лекин буни майдондаги ўйин кечишига ҳалақит бермасдан, деярли сезилмайдиган даражада амалга оширади. Ўйин жараёнига фақатгина жиддий хатоларга йўл қўйилганида ёки қоида бузилганида аралашиши зарур.

Ўйин вақтида ҳакам диққат-эътиборли ва вазмин бўлиши, тезкор реакция ва матонатга эга бўлиши керак. Спорт бўйича барча ҳакамлардан талаб қилинадиган энг асосий хусусият - бу холислик.

Ҳакам ўйин вақтида спортчилар томонидан вазиятларнинг муҳокама қилинишига, баҳслашишга мутлақо йўл қўймаслиги зарур. Ҳакам хотиржам, қатъий ва бир сўзли бўлиши керак. У уз юриш-туришини ҳам турмушда, ҳам ўйин майдонларида доим назорат қилиб туриши зарур. Ўйинчиларнинг спорт кийимларини тоза ва саришта бўлишини талаб қила туриб, ўзининг ташқи кўринишига ҳам эътибор қаратишни унутмаслиги лозим. Ҳакамлар коллегияси ўз аъзоларини доим бир намунадаги кийимларда бўлишига интилишлари зарур.

Баъзида ёш спортчиларга хотиржам ва вазмин охангла ўйин қоидаларидан зарур бандларни тушунтириб бериш, мусобақалардаги тартиб ва қоидаларни эслатиб ўтиш зарар қилмайди. Мусобақаларда илк бор иштирок этаётган ёш спортчиларнинг ўзларини тўтишига нисбатан ҳакамларнинг тўғри, мавридли реакцияси жуда муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Ҳакам спортчиларнинг кийимлари озода ва саришта, майкаларда тартиб рақамлари бўлишига ва ҳ.к.ларга эътибор қаратиши лозим. Мусобақаларни ўтказаятган ташкилот ҳакамларни алоҳида белгилар билан таъминлаши зарур. Белгилар ҳакамлар коллегияси томонидан таъсис этилиб мусобақа вақтида ҳакамларга берилиши лозим.

Ҳакамларнинг тайёргарлиги бўйича олиб борилган ишлар таҳлили.

Ўқув-машғулот жараёнининг самарадорлиги кўп жиҳатдан комплекс контрол қилишга, унинг ташкил этилиши ва мазмунига боғлиқ. Ҳакамларни педагогик, тиббий-биологик, биохимик, психологик методлар билан комплекс назорат қилишда қуйидагилар:

- функционал ҳолат;
- психологик ҳолат;
- техник ва тактик маҳорат

Машғулотлар вақтидаги шунингдек машғулот мусобақалардан кейинги физиологик, биохимик, психологик ўзгаришларнинг миқдори ва йўналиши машғулот юкламаларининг миқдори ва йўналиши баҳоланади.



Босқичма-босқич назорат қилиш – бу хакамларнинг ҳар бир тайёргарлик босқичининг боши ва охиридаги (тайёргарлик, мусобақа, ўтиш даврларидаги тайёргарлигини баҳолашдир. Кундалик назорат қилишда – ойлик ва ҳафталик цикллардаги машғулотлар натижасида рўй берадиган физиологик, биохимик, психологик ўзгаришлар ва юкламаларнинг миқдори ҳамда йўналиши баҳоланади.

Оператив назорат қилиш ёрдамида машқларнинг ҳажми ва жадаллиги, уларнинг дозаларга бўлиниши ва таъсир қилиши, машғулотларда машқлар билан дам олишнинг тўғри алмаштириб турилиши, уларни бажаришнинг самарадорлиги, мусобақаларда бажариладиган техник ва тактик ҳаракатларнинг ишончлилиги баҳоланади.

Хулоса. Ҳакамлик фаолияти давомида улар ўз имкониятларини доимо шакиллантириб, ўз соҳалари бўйича изланишлар олиб бориши лозим.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидагилар аниқланди:

- бўлажак ўйинларга психологик тайёргарлик кўришда ўйиндаги вазиятларга тўғри боҳо бериш орқали ўйинни бошқариш;
- жисмоний жиҳатдан ўйин вазиятларига доимо тайёр бўлиши учун юқори спорт формага эга бўлишлари ҳамда ўз жисмоний имкониятлар даражасини доимио чархлаб бориши;
- мусобақа қонун қоидалари бўйича сўнги янгиликлардан хабардор бўлиши уларни ўйин жараёнида тўғри ўз вақтида қўллаши ҳамда ўйиндаги ўйин қоидаси бузилиши ёки ўйин чизгинини қўлдан чиқариб юбормаслигини тامينлаши;
- муомила маданият томондан жиддий, ҳолисона, мурожат қилишда доимо ҳурмат билан гапириш, вазиятни тўғри баҳолаган ҳолда ҳечқандай тазийҳларга берилмаслик нима бўлганда ҳам қонун ва адолатли ҳукм чиқариш лозим.

Машғулот ва ўйинлар оралиғидаги циклларда машғулотлар, мусобақалар ва дам олиш вақт жиҳатидан бир теккисда алмаштириб туриш керак.

Машғулотлар, мусобақалар ва дам олишни ҳеч бир асоссиз беқарор қилиш ёки кўчиришга, йиллик циклда уларни нотекис тақсимланишига йўл қўйиш мумкин эмас. Машқларнинг меъёри ва суръати албатта хакамнинг шахсий имкониятларига мос бўлиши керак.

Спорт фаолиятининг муайян тери доирасида хакамлар тайёргарлигида баъзан бир томонлилик бўлишини ҳам ёдда тутиш керак. Шунинг учун юқорида баён қилинганлар билан бир қаторда хакамларнинг тўсатдан ритм ўзгарганда ҳам ишчанлик қобилиятини сақлай билишга эришиш ло-



зим. Бунга машғулот жараёнида одатдаги режимни тўсатдан ўзгартириш йўли билан эришилади.

Адабиётлар:

1. Нуримов Р.И., Сергеев Г.М. Жисмоний тарбия институтининг жисмоний тарбия педагогика-си учун дастур // Ихтисослаштириш курси. Т., 1995й 41-57 бет.
2. Мотылянская Р.Е. Методические основы научных исследований в перспективном плане развития спортивной медицины // Теория и практика физической культуры. 1986й. №4, 19-21бет.
3. Спиринов А., Будоговский Б. Практикум инспектора-М.:2002-290с.
4. Бэти Э. Современная тактика футбола. М., ФиС, 1974 102-109 бет.
5. Граевская Н.Д. Заключение по результатам врачебного обследования физкультурника и спортсмена // Спортивная медицина. М., Медицина, 1984й. 146-151 бет.
6. Практические занятия по врачебному контролю. Под общей редакцией А.Г. Дембо. ФиС, 1976 64-118 бет.
7. Динбер Р.Д. Современные пути оценки функционального состояния сердечно-сосудистой системы спортсмена // медико-биол. аспекты предеор. подготовки спортсменов. Л., 1982й. 64-72 бет.

РЕЗЮМЕ

Исталган профессионал фаолиятни амалга ошириш учун инсон бир қатор шахсий-ишчанлик сифатларга эга бўлиши керак. Бу футболдаги ҳакамликка ҳам тааллуқлидир. Лекин, ҳакамлар тайёрғарлиги жараёнида танлов тизимининг бу соҳадаги қабул қилинган кўринишини ўрганиб туриб, мўтахассисларнинг аксарияти унинг қониқарсиз ишлаётгани хақида фикр юритишмоқда. Ўз моҳиятига кўра танлов ва тайёрғарлик ўйин қоидаларини ўргатишга йўналтирилган семинарлар доирасида амалга ошириляпти. Бу масалага бўлган айнан шундай ёндашув, турли даражадаги мусобақаларда ҳакамларнинг ишининг паст баҳоланишига асосий сабаб бўлмоқда.

РЕЗЮМЕ

Для осуществления какой-либо профессиональной деятельности человек должен обладать рядом личностных и профессиональных качеств. Это касается и судейства в футболе. Однако, изучив общепринятый взгляд на систему отбора в этой сфере в процессе подготовки судей, большинство экспертов считают, что она работает неудовлетворительно. По своей сути отбор и подготовка осуществляются в рамках семинаров, направленных на обучение правилам игры. Такой подход к данному вопросу является основной причиной низкой оценки работы судей на соревнованиях различного уровня.

SUMMARY

In order to perform any professional activity, a person must have a number of personal and professional qualities. This also applies to refereeing in football. However, after studying the accepted view of the selection system in this field during the process of training judges, most of the experts think that it works unsatisfactory. By its very nature, selection and preparation are carried out within the framework of seminars aimed at teaching the rules of the game. This approach to this issue is the main reason for the low evaluation of referees' work at various levels of competition.